

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ГУЗАЛ АЛИШЕРОВНА

**МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА
РЕКРЕАЦИОН-ТУРИСТИК САЛОҲИЯТДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
(Тошкент вилояти мисолида)**

**08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Economic Sciences**

Алимова Гузал Алишеровна

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда рекреацион-
туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш (Тошкент вилояти
мисолида)..... 5

Алимова Гузал Алишеровна

Социально-экономическое развитие региона на основе эффективного
использования рекреационно-туристского потенциала (на примере
Ташкентской области)..... 25

Alimova Guzal Alisherovna

Socio-economic development of the region based on efficient use of the
recreational and touristic potential (on the example of Tashkent
region)..... 47

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВА ГУЗАЛ АЛИШЕРОВНА

**МИНТАҚАНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА
РЕКРЕАЦИОН-ТУРИСТИК САЛОҲИЯТДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ
(Тошкент вилояти мисолида)**

**08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт
08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1PhD/лqt537 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Махмудов Носир Махмудович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий аппонентлар: **Навруз-зода Бахтиёр Негматович,**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эрмаматов Шоназар Жумакулович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.I.01.11 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Иқтисодиёт факультети, 4-қават мажислар зали. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: rector@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (88- рақам билан рўйхатга олинган).
(Манзил: 100074, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, E-mail: rector@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2019 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Г. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

П.З. Хашимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

А.М. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши бевосита улардаги барча минтақаларнинг барқарор ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ўз минтақаларидаги саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқлари салоҳиятидан, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш масалаларига эътиборни кучайтирмоқдалар. Минтақаларни таъминлаш, инновацион иқтисодиёт асосида ривожлантириш, экологик хавфсизлиги, ишлаб чиқарувчи кучларни хом-ашё захиралари ва инфратузилма объектларига нисбатан қулай жойлаштириш ва ҳудудий жиҳатдан иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш масалалари ушбу давлатларнинг стратегик вазифаларига айланган.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ муаммоларни, хусусан глобаллашув жараёнлари ва иқтисодий тараққиётнинг жадаллашувини минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқликда олиб бориш йўналишидаги илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Ушбу тадқиқотларда минтақавий ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни ҳал этиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда экорекреацион - иқтисодий зоналарнинг роли билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, шунинг учун ҳам мамлакатимизда “ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим”¹. Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса хизмат кўрсатиш, хусусан рекреацион-туристик соҳанинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Ушбу соҳани “...ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”². Маълумки, мамлакатимиз минтақаларини ривожлантириш учун бир-қанча истиқболли ҳудудлар мавжуд бўлиб, шулардан бири Тошкент вилояти ҳисобланади. Айнан ушбу ҳолат бу минтақани юқори салоҳиятга эга бўлган имкониятларидан оқилона фойдаланиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, минтақа аҳолиси ва хорижлик меҳмонларнинг рекреацион-туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали минтақадаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш имконини берувчи замонавий кластерга айлантиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабр <https://president.uz>.

² Ўша манба.

атроф – муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2024-сон, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармонларида, 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон Қарорида ҳамда тадқиқот ишининг мавзусига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертациядаги тадқиқот натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақавий ривожланиш ва унга рекреацион-туристик фаолият таъсирининг назарий ва амалий масалалари Н.В.Анчукова, Е.Гавришева, А.Г.Гранберг, Б.Р.Карданов, А.Лёш, М.Портер ва бошқа¹ хорижлик иқтисодчи олимларининг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Бу муаммони ўзбекистонлик олимларидан М.Абдусалямов, М.Т.Алимова, Д.Х.Асланова, Т.М.Ахмедов, Т.Джумаев, А.А.Каюмов, Н.М.Махмудов, Б.Н. Наврўз-Зода, Ш.Х.Назаров, А.М.Садыков, А.С.Солиев, И.С.Тухлиев, О.Х.Хамидов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Исламов² ва бошқалар тадқиқ қилганлар.

Шу билан бирга, минтақаларда ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларини ҳал этишнинг аниқ йўналишлари ва ушбу жараёнларда рекреацион-

¹ Анчукова Н.В. Активизация рекреационно-туристской деятельности в регионе. - Белгород, 2004 - 193 с.; Гавришева Е.Д. Тенденции формирования и функционирования рекреационно-туристского комплекса Новгородской области. - Новгород, 2002 - 198 с.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М.: 2000. - С. 28; Карданов Б.Р. Роль рекреационно-туристического комплекса в экономике региона. - Кабардино-Балкарская Республика, 2010. - С.55; Лёш А. Географическое размещение хозяйства. - М.: 1959. - С. 36.; Портер М. Конкурентные преимущества стран. - СПб.: Экономическая школа, 1999. - С. 49;

² Абдусалямов М. Межрайонные экономические проблемы долгосрочного развития народного хозяйства Средней Азии и Сибири. - Ташкент, 1973. - С. 76-80; Алимова М.Т. Велотуризм истикболли туристик йўналиш сифатида. // Хоразм Маъmun Академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2018. № 2. - С. 31.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // «Сервис», 2013, №1. - С. 41; Ахмедов Т.М. Факторы и предпосылки социальной стабильности. - Ташкент: ООО «PrintMedia», 2014. - 119 с.; Джумаев Т. Устойчивое развитие горной зоны Узбекистана- Ташкент:, 2004. - С.49; Исламов А.А. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг назарий асослари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнал. 2017. - С. 59; Каюмов А.А. Демографические проблемы развития городских поселений Киргизии. - Ташкент, 1979. - С. 18; Махмудов Н.М. Иқтисодий ўсиш моделлари. Монография. - Ташкент: Иқтисодиёт, 2016. - 199 б.; Наврўз-Зода Б.Н. Туризм худуд рақобатбардошлиги. Монография. - Бухора: “Садриддин Салим Бухарий” Дурдона нашриёти, 2017, № 3. - С.24; Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ повышения конкурентоспособности регионов Узбекистана. - Ташкент, 2016. - С. 112; Садыков А.М. Ўзбекистон худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. - Ташкент, 2006. – Б. 102; Солиев А.С. Влияние рекреационно-туристских ресурсов на формирование полюсов и центров роста. - Ош, 2001. - С. 61; Tuxliyev I.C. Turizm: nazariya va amaliyot. - Tashkent: Fan va texnologiya, 2018. - В. 24; Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф Самарканд: СамИЭС, 2017. - Б. 26; Эгамбердиев Ф.Т. Совершенствование структуры производства на внутрирегиональном уровне // Молодой ученый, 2016, - №21.1.- С. 23.

туристик хизмат кўрсатиш соҳаси ролининг ошиб боришига бағишланган илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методологик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини хизмат кўрсатиш тармоқлари, жумладан рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақанинг ресурс салоҳиятини баҳолашнинг асосий услублари ва мезонларини ўрганиш;

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий номултаносибликларини барта- раф этишнинг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш;

минтақада янги ЭИЗ ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва заруриятини асослаш;

минтақа иқтисодиётининг ривожланишига рекреацион-туристик салоҳи- ятдан самарали фойдаланишнинг таъсирини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий, ижтимоий ва экологик муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, рейтинг баҳолаш, статистик ва анкетали сўров усуллари, кузатиш, картографик, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятини саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт тармоқлари, банк-молия тизими ва хизмат кўрсатиш ўртасидаги соҳалараро боғлиқликни такомиллаштиришга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривож- лантириш механизми таклиф этилган;

минтақанинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий хизмат кўрсатиш тизими ва самарали рекреацион фаолият учун зарур бўлган экокластерни ривожлантириш мақсадида Бошқизил участкасида экорекреацион иқтисодий зонани ташкил этиш тавсия этилган;

Тошкент вилоятининг мамлакат ЯИМдаги ҳиссасини ошириш, хўжалик субъектларининг рекреацион-туристик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда

сервис хизматларини сифат-миқдор жиҳатдан мувофиқлаштириш мақсадида минтақада кичик рекреацион-туристик зонани ташкил этиш зарурияти асосланган;

худудларда иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда рекреацион фаолиятни тартибга солиш мақсадида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни “жисмоний ва юридик шахсларга ер участкалари ва бошқа табиий объектларни ажратиш мумкин” деган кўшимча банд билан тўлдириш зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятини барқарор ривожлантиришга хизмат кўрсатиш тармоқлари салоҳиятининг таъсири асосланган ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятида «Туябўғиз», «Сўқоқ», «Лашкарек» кичик туристик зоналарини яратиш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасига “Сўқоқ” аҳоли пунктини киритиш зарурияти борасидаги таклиф асосланган;

минтақада рекреацион-туристик оқимларнинг диспропорционал тақсимланишини олдини олиш ва маҳаллий рекреантлар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни юритиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишлаб чиқилган хулосаларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда туризм ва саёҳатлар бўйича Бутунжаҳон Кенгашининг, шунингдек Бутунжаҳон туристик ташкилотининг расмий сайтларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тизимли таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда рекреацион-туристик зоналардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш диссертантга минтақа иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилоятида рекреацион-туристик фаолиятни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни назарий жиҳатдан асослашга имкон берди. Шунингдек, таклиф этилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маҳаллий рекреантлар фаолияти статистикасини юритиш тизимини

такомиллаштиришда ва ижро ҳукумати минтақавий органлари фаолиятини такомиллаштиришда, ҳамда мамлакатнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида рекреацион-туристик йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан:

Тошкент вилоятини хизмат кўрсатиш соҳаси асосида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмидан “Чорвоқ эркин туристик зонасини ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқишда Тошкент вилояти хокимияти томонидан фойдаланилган (Тошкент вилояти хокимлигининг 2018 йил 18 апрелдаги СН-4-2858-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар Тошкент вилоятини саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт тармоқлари, банк-молия тизими ва хизмат кўрсатиш ўртасидаги соҳалараро боғлиқликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

минтақанинг тоғолди ҳудудларида, жумладан, Бошқизил участкасида экорекреацион зонани ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ эркин туристик зонасини ривожлантириш концепцияси”ни ва 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сон Қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 апрелдаги 03-09/2223-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши минтақага инвестицияларни жалб қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва табиий-иқтисодий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини берган;

Паркент туманида кичик рекреацион-туристик зонани ташкил этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятида “Туябўғиз”, “Сўқоқ”, “Лашкарек” кичик туристик зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда (Тошкент вилояти хокимиятининг 2018 йил 18 июндаги СН-4-2858-сон маълумотномаси), ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПФ-3217-сон Фармони лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитасининг 2018 йил 27 апрелдаги 03-09/2223-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф минтақадаги ижтимоий-иқтисодий номуносивликларни юмшатиш, депрессив минтақаларни кўллаб-қуватлаш, янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашди, ҳамда вилоятда экологик барқарорликни таъминлашда кучли рағбат бўлган.

меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

тўғрисида” ги Қонунининг 6-моддасига “жисмоний ва юридик шахсларга ер участкалари ва бошқа табиий объектларнинг ажратилиши мумкин” деган кўшимча бандни киритишда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни лойиҳасини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг 2018 йил 16 майдаги 17/395-сон маълумотномаси), Мазкур таклифлар Тошкент вилоятида иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, ихтисослашувни чуқурлаштириш, кўриқланадиган ҳудудлар муҳофазасини таъминлаш, рекреацион ресурсларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган, хусусан 10 та халқаро ва 11 та республика анжуманларида муҳокама қилинган ва мақуullanган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, (9 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Шунингдек, “Минтақавий ривожланишда рекреацион-туристик зоналарни ўрганишга назарий ва амалий ёндашувлар” номли рисола ҳамда «Иқтисодий география» номли электрон ва босма ўқув қўлланмада чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч та боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, унинг Ўзбекистон илмий тадқиқотларининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот мавзусининг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсади, унинг вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган.

“Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий асослари” деб номланган биринчи бобда минтақавий сиёсатнинг назарий масалалари ва минтақанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришнинг янги етакчи тармоқлари аниқланган, уларни ЯХМга бўлган ижобий таъсири, минтақа иқтисодиётининг устувор йўналишларини

жадаллаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий номуттаносибликларни бартараф этишнинг жаҳон тажрибаси кўриб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий стратегияси кўйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган: маҳаллий ресурслардан (иқтисодий, табиий, меҳнат, рекреацион-туристик, молиявий, интеллектуал) мақсадга мувофиқ фойдаланишни рағбатлантириш; ижтимоий-иқтисодий номуттаносибликлар даражасини пасайтириш; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча мулк шакллариغا асосланган хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш учун шароитлар яратиш; самарали ички ва минтақалараро иқтисодий алоқаларни шакллантириш; ҳар бир минтақанинг ишлаб чиқариш тузулмаси ва хўжалик ихтисослашувини инобатга олган ҳолда минтақа иқтисодиётининг натижалари ислохотини амалга ошириш; мамлакатнинг барча минтақаларида юқори даражада жиҳозланган ишлаб чиқариш, рекреацион-туристик, ижтимоий, экологик, бозор, институционал инфратузулмаларини яратиш.¹

Минтақавий сиёсатни амалга оширишда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги номуттаносибликларнинг шаклланишини, депрессив минтақаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларини ишлаб чиқишни инобатга олиш лозим. Фикримизча, Ўзбекистонда давлатнинг минтақавий сиёсати самарадорлигини ошириш методологияси ижтимоий соҳадаги изчил амалга оширилаётган ислохотларга ҳам мос келиши керак.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш давлат минтақавий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жумладан, рекреацион-туристик фаолиятни ривожлантириш нафақат миллий бойликни сақлаб қолишга, балки ижтимоий ва иқтисодий масалаларнинг ҳам ечимини топишга хизмат қилади.

Ушбу масалаларни ҳал этишда иқтисодий ўсишнинг янги кутб ва нуқталари (эркин иқтисодий зоналар) ёрдам бериши мумкин.


Ўзбекистондаги минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш сиёсати марказдан узоқ жойлашган худудларда ҳам географик, ҳам инфратузулмавий жиҳатдан мамлакатнинг катта ва йирик шаҳарлари, чегалараро ва асосий миллий автомобил йўллари, муҳим тармоқлар, энергетик, телекоммуникацион ва бошқа инфратузулмалардан ажралиб қолиш масалаларини ҳал қилишдан иборат. Бунд хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши иқтисодий ўсишнинг яна бир янги кутблари ва нуқталари сифатида (эркин иқтисодий зоналар) катта даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Тошкент вилояти иқтисодиёти тузулмасини (1-расм) кўриб чиқиш натижасида, хизмат кўрсатиш соҳасининг фаолияти минтақанинг комплекс ривожланишига, шу жумладан иқтисодиётнинг барча тармоқлари самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш имконияти туғулди. Аниқланишича, иқтисодий кўрсаткичлар ва ЯХМ ҳажмининг ошишига

¹<https://revolution.allbest.ru>.

рекреацион-туристик тармоқ тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлаган. Бу тармоқнинг яна бир кучли томони шундаки, минтақанинг бошқа тармоқлари фаолиятига, ҳатто депрессив ҳолатдаги саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган минтақалар иқтисодиётининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб уларнинг фаолиятини соғломлаштиришга кўмак бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ер юзидаги глобал иқлимий ўзгаришлар, табиий ресурсларни фаол ўзлаштириш ва инсоннинг саноат фаолияти, эмоционал ва жисмоний чарчашлар рекреацияга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келади. Айнан шунинг учун бу фаолият Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



1-расм. Минтақа иқтисодиётининг тузулмаси¹


Тадқиқотлар жараёнида Тошкент вилоятининг хизмат кўрсатиш соҳасининг етакчи тармоғи рекреацион соҳа эканлиги аниқланди. Рекреацион ресурсларнинг имкониятларини аниқлаш мақсадида рекреацион мотивация омилларини ажратишнинг энг мақсадга мувофиқ воситаси бўлган анкета

¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сўрови усули танланди. Бунинг учун икки шаклдаги анкета ишлаб чиқилди, яъни: “Ҳизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар” ва “Тошкент вилоятида рекреацион фаолиятнинг ҳолати”. Улар Тошкент вилояти рекреацион объектларида дам олувчилар ҳамда рекреант бўлиши мумкин бўлган шахсларга сўровнома тариқасида таклиф этилди.

Мазкур бобда шунингдек, минтақани янада ривожлантиришда ҳизмат кўрсатиш соҳасини фаоллаштириш мақсадида, рекреацион эҳтиёжларнинг табиий-иқлимий, хўжалик ва бошқа ҳудудий хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган тавсифи берилган бўлиб, унинг натижасида мазкур эҳтиёжларнинг таркибида тегишли ўзгаришлар содир бўлади. Масалан салбий омиллар (экологик вазиятнинг ёмонлашиши, оғир табиий-иқлимий шароитлар, аҳолининг катта зичлик даражаси, шаҳарлардаги яшаш тарзи) таъсирида аҳолида саломатлигини, жисмоний ва маънавий кучларини тиклашга бўлган эҳтиёж ошиб боради.

Мамалакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини унинг минтақавий ўлчамларисиз тушуниб бўлмайди. Айнан шунинг учун ишда минтақавий номуносивбликларни бартараф этиш ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича хорижий мамалакатлар тажрибаси ўрганилган. Бу борада Италиянинг ўзига хос минтақавий ислоҳатларни олиб бориш тажрибасини келтириш мумкин. Масалан, у шбу мамлакатда “кучли саноат” ғояси орқали минтақавий ривожланиш самарадорлигини ошириш назариясини қўллаган ҳолда, мамлакатнинг жанубида йирик компанияларнинг инвестициялари ҳисобига металлургия, кимё, машинасозлик тармоқларининг янги корхоналари яратилган.



2-расм. Рекреацион-туристик соҳанинг Италиянинг жанубий минтақаларига таъсири¹

¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бироқ самара кутилмаган бўлиб чиқди: иқтисодий барқорликнинг нимжон ниҳоллари коррупцияга бардош бера олмади, мамлакатнинг Шимоли ва Жануби ўртасидаги узилиш кенгайди.

Ижобий натижага хизмат кўрсатиш соҳасининг жанубий тоғ-тоғолди худудлари учун етакчи бўлган рекреацион-туристик тармоғини ривожлантириш ҳисобига эришилди (2-расм). Мазкур соҳа иқтисодий танглик ва минтақавий ривожланишнинг бошқа салбий омиллари таъсирига бардош бера олмади ва кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда кўмак бўлган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тошкент вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг минтақавий хусусиятлари”**га бағишланган бўлиб унда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг минтақавий муаммолари тадқиқ қилинган. Тошкент вилоятининг бугунги кундаги рекреацион салоҳияти таҳлил қилинган ва рекреацион зоналарнинг Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири баҳоланган.

Аҳоли касалликларининг минтақавий хусусиятларини аниқлаш мақсадида умумий йўналишдаги шифокорлар (УЙШ), онкологлар, кардиологлар, невропатологлар, эндокринологлар ўртасида эксперт сўрови ҳам ўтказилди. Бу тадқиқ қилинаётган минтақа аҳолиси ўртасида ўлимнинг сабаби бўлган асосий касалликларни аниқлаш имконини берди. Касалликлар ичида қон айланиши тизими ва хатарли ўсимта касалликларининг энг кўп тарқалганлиги аниқланди.


УЙШ сўрови қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: кенг тарқалган қон айланиши тизими касалликларининг сабаблари таркибида холестирин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини хаддан ташқари кўп истеъмол қилиш; кам ҳаракатли яшаш тарзи; асабийлашиш, ақлий ҳамда эмоционал кучларнинг меъёрдан ортиқ сарфланиши; атроф муҳитнинг ифлосланиши. Аксарият мутахассислар бу касалликларни шаҳар типига, яъни sanoat зоналарида яшовчиларга хос бўлган касалликлар қаторига қўшадилар.

Тошкент вилояти – бу Ўзбекистоннинг энг ривожланган минтақаларидан биридир. Унда кўплаб sanoat корхоналари жойлашган (амал қилаётган корхоналар сони 6019)¹.

Тошкент вилояти аҳолисининг нафас олиш органлари касалликлари ва хатарли ўсимталар касалликлари билан касалланишининг минтақавий хусусиятларини акс эттирувчи харита ишлаб чиқилган (қуйидаги 3-расм, А ва Б). Шубҳасиз, sanoat шаҳарларининг аҳолиси онкологик касалликлар бўйича хатарли гуруҳга киради. Тошкент вилоятида 2016-2017 йилларда илк бор ўрнатилган ташхис билан рўйхатга олинган касалликлар сони 2 853,6 тани ташкил этди, яъни бу даврда бу кўрсаткич 42 762,7 тадан 45 616,3 тага ошди (100 000 киши аҳолига). Бу рекреацияга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганлигини кўрсатади.

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси кўмитасининг 2018 йил бўйича маълумотлари. .

Тошкент вилоятининг тоғли ва тоғолди худудлари юқори рекреацион жозибадорликка эга. Ушбу хулоса Тошкент вилоятида ўтказилган табиий-рекреацион ресурсларни баҳолаш йўли орқали тасдиқланган.



3-расм. Тошкент вилояти аҳолисининг 2017 йилда нафас олиш органлари касалликлари (А) ва хатарли ўсимталар касалликлари (Б) бўйича касалланишининг минтақавий хусусиятлари¹

Рекреацион-туристик фаолиятни ривожлантириш учун 3 балл ҳам ижобий кўрсаткич эканлигини инобатга олган ҳолда, биз қуйидаги хулосани

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси ва Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2017 йилги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

чиқардик: Тошкент вилоятининг тоғли ва тоғолди зоналари рекреациянинг деярли барча турлари бўйича (қишлоқ хўжалиги рекреацияси, этнорекреация, экорекреация, гиёҳвандлик ва алкоголизм касалликларига дучор бўлган беморларнинг жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш ва бошқалар) юқори даражадаги жозибадорликка эга.

1-жадвал.

Тошкент вилояти тоғ ва тоғолди зоналарининг табиий-рекреацион ресурсларини баҳолаш¹

Ресурс тури	Рекреацион ресурсларнинг айрим туризм турлари бўйича яроқлилиги ва ундан фойдаланиш имкониятларини ифодаловчи хусусиятлари	Баҳо, балл
Атмосфера айланмаси	Йил давомида об-ҳаво мўтаъдил ва етарлича барқарор сақланади. Бу деярли барча рекреация турларини ривожлантириш имконини беради, қишда ҳам ҳарорат -20 даражадан жуда кам ҳолатда пастга тушади, бу тоғ чанғиси спорт турини ривожлантириш учун қулай шароит яратади.	4
Шамол режими	Ўртача динамик тусга эга. Баъзи бир рекреация турларини ривожлантириш учун яроқлилик минимал даражада бўлади (фаол рекреация)	3
Ёғингарчилик миқдори ва намлик	Тоғолди ва тоғли туманларда текисликларга (200-400мм)нисбатан анча кўп ёғингарчилик тушади (500-700мм). Нисбий намлик бир йилда январда ва декабрда энг юқори 75% ва июлда энг кам 45%. бўлади. Намлик режими мавсумий рекреациянинг деярли барча турлари учун мақбул. Баҳор, куз ойлари – сел келиши хавфи юқори, қиш мавсумида эса кўчки эҳтимоли юқори даврлар кўп.	4
Термик режим	Қишки ва ёзги рекреация турлари учун энг қулай вақт тахминан 10 ойни ташкил қилади (май ва ноябрь ойлари қулайлиги паст гуруҳга киритилган), чўмилиш мавсуми тахминан 60-85 кундан иборат.	5
Қуёш радиацияси даражаси	Қуёш радиацияси ёз пайтида 4000-4500, қуёш радиациясининг ўта тўйиниши баъзи бир рекреация турлари учун номақбул бўлиши мумкин.	3
Ландшафт	Ландшафт тоғ чўққилари ва текислик қисмида бир текис эмас. Тиббий рекреацияда катта имкониятлар очилади, масалан, артериал босими юқори бўлган кишиларга юқори баландликда дам олиш тавсия этилмайди, артериал босими паст кишиларга эса тоғ зонасида дам олиш ижобий таъсирга эга.	5
Тупроқ ва ўсимликлар	Тупроқ қатлами юқори тоғлик қўнғир, ўтлоқ-дашт тупроқ, суғориладиган ерлардан иборат. Баргли ўрмонлар, сийрак ўрмонзорлар, бутазорлар, сийрак арчазорлар, баланд тоғ даштлари бор. Бу баъзи бир рекреация турларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади.	4
Сув ресурслари	Қўллар, сув омборлари ва сойлар анча кўп, аммо сойлар ёз пайтида кўпинча саёзлашиб кетади. Ёзда Чорвоқ сув омбори соҳилида дам олишни ташкил қилиш мумкин. Фаол туризм учун мақбул шароитлар мавжуд.	4
Фауна ресурслари	Ҳудудда сайёҳлар учун турли-туман жозибали ресурслар етарли, (ов қилиш ва балиқ ови объектлари).	4
Флора	Ҳудудда сайёҳлар учун турли-туман жозибали ресурслар етарли	4
Бальнеологик ресурслар	Вилоятда маъданли ва термал сувлар манбалари мавжуд. Даволаш-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш мумкин	4

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил бўйича маълумотлари.

Минтақада табиий салоҳият юқори бўлса ҳам, ундан фойдаланиш даражаси ва жараёнини қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳам аниқланди. Бу ўринда, ижтимоий-иқтисодий, экологик барқарорликни инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболли ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, юқорида келтирилган анкета сўрови усули орқали вилоятдаги рекреацион объектларда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг даражаси баҳоланган.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики (2-жадвал), вақтинчалик яшаш жойларининг ҳолати (меҳмонхоналар, турбазалар, дам олиш уйлари ва ҳоказо) 398 кишини қониқтирмаган (улар 1 ва 2 балларга баҳолаганлар), қониқарли баҳони 658 респондентлар берганлар ва фақатгина 45 киши 5 балл билан баҳолаганлар.

Овқатланиш муассасалари ҳолатидан (ошхона, кафе, бар, ресторанлар) 1066 киши қониқмаганлар ва 3, 2, 1 баллар билан баҳолаганлар, ва фақатгина 434 киши уларнинг фаолиятини 4 ва 5 балларга баҳолаганлар.

Кўнгилочар масканлардан (кинотеатр, дискотекалар ва башқ.) эса респондентларнинг 1251 таси қониқмаган ва 1, 2, 3 баллар билан баҳолаганлар. Фақатгина 249 киши уларга ижобий баҳо берганлар.

Тўпланган маълумотлар шундай хулоса чиқаришга асос бўладики, дам олишни ташкил қилиш соҳасида жиддий муаммолар мавжуд, жумладан бунинг сабабини рекреация ва туристик объектларнинг бошқарув ходимлари (менежерлар) малакасининг пастлигида кўриш мумкин.

Минтақанинг баъзи рекреацион-туристик объектлари фаолиятини баҳолаш мақсадида жойлаштириш воситалари, транспорт хизматини кўрсатиш, овқатланиш корхоналари, кўнгилочар ва хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари солиштирилди. Дам олувчилар ўртасида сўров ўтказилди (2-жадвал). Жойлашув воситаларининг даражалари бўйича 14 та рекреация ва туристик объектларининг ҳолати мураккаб бўлиб чиқди. Масалан, «Белдерсой» ва «Хумсонбулоқ» соғломлаштириш комплекслари «1» балл билан баҳоланган. Деярли шундай ҳолат «Қизил сув», «Ғазалкент», «Оқтошсой» ва «Кумушкон» соғломлаштириш спорт комплексларида ҳам кузатилди. Респондентларнинг фикрича, транспорт таъминоти бўйича «Ғазалкент» (264 киши), «Сўқоқ» (260 киши), «Паркент омад» (243 киши) соғломлаштириш комплекслари энг қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Биз ўрганган рекреацион объектларда овқатланиш корхоналари ҳолати ва фаолиятдан сўров қилинганларнинг деярли 70 % қониқмаган; уларнинг фикрича, хизмат кўрсатиш даражаси ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг компетентлиги салбий таъсирот қолдирди.

Тошкент вилоятида рекреантларнинг дам олишини ташкил қилишда кўплаб муаммоли жиҳатлар мавжуд эканлигига қарамасдан, «Тошкент вилояти бўйлаб саёҳат қилишни истайсизми?» деган саволга 1500 та сўров қилинган респондентларнинг 1375 таси «Ҳа» деб жавоб берган, 110 киши «Жавоб беришга иккиланаман» вариантини белгилаган ва фақат 15 киши рад жавобини берган.


Минтақадаги айрим рекреацион-туристик объектлар фаолиятини 5-баллик шкала бўйича баҳолаш сўрови натижалари¹

Объектлар номи	Жойлашиш воситаларининг даражаси					Транспорт хизмати					Овқатланиш корхоналари хизмати					Эксперсия дастурлари					Сервис хизмати даражаси					Кўнгилочар тадбирлар				
	5	4	3	2	1	5	4	3	2	1	5	4	3	2	1	5	4	3	2	1	5	4	3	2	1	5	4	3	2	1
«Хожакент» дам олиш зонаси	21	147	315	296	321	1	92	387	401	219	18	146	362	391	183	2	28	472	306	292	5	122	407	265	301	7	181	254	307	351
«Оқтош» кимёгарлар оромгоҳи	15	182	319	301	283	2	106	358	436	199	14	153	357	472	104	3	39	428	329	301	4	143	435	231	287	2	274	208	319	297
«Оқтошсой»	11	103	402	382	202	4	101	403	397	195	3	101	386	469	141	5	52	408	354	281	4	106	387	252	351	2	170	283	287	358
«Чимён-файз»	9	116	394	320	261	3	95	389	410	203	6	116	341	479	158	4	61	436	286	313	6	170	403	231	290	3	169	259	263	406
«Куксув» дам олиш оромгоҳи	7	103	386	441	163	1	82	387	432	198	4	109	358	467	162	3	36	561	302	198	2	96	390	306	306	2	209	219	301	369
«Хумсон-булок»	12	152	410	386	136	3	76	391	406	224	7	118	402	438	135	2	59	434	319	286	5	130	368	301	296	1	150	246	286	417
«Ғазалкент» соғломлаштириш маркази	4	96	381	492	127	-	81	287	468	264	5	103	396	469	127	5	29	467	296	303	4	100	387	291	318	4	143	251	297	305
«Қизил сув» соғломлаштириш уччи спорт мажмуаси	3	98	364	501	134	-	79	309	503	209	3	96	348	527	129	3	31	493	305	268	3	129	373	289	306	2	194	284	303	317
«Билдирсой» дам олиш зонаси	15	201	468	389	27	3	89	291	487	230	9	113	325	552	101	7	106	528	268	191	1	55	388	391	265	3	173	239	282	403
«Сўқок» дам олиш зонаси	7	166	388	407	132	2	77	265	496	260	4	98	373	499	126	6	65	464	335	230	3	121	396	291	289	3	160	276	279	382
«Чотқол» дам олиш зонаси	6	171	402	381	140	1	83	251	517	248	3	87	408	472	130	5	49	515	295	236	4	290	295	309	198	7	240	248	302	303
«Кумушқон»	9	138	403	394	156	3	78	317	489	213	7	135	360	460	138	3	53	545	303	196	4	242	366	297	187	4	125	301	284	386
«Паркент омад»	4	102	307	417	270	-	69	297	491	243	6	102	338	491	163	2	41	533	321	203	2	217	284	326	269	2	178	290	318	312
«Сумча» дам олиш зонаси	6	117	46	338	153	2	87	356	507	148	8	132	387	421	152	3	33	498	338	228	3	236	375	287	196	3	195	279	269	354

* 5 – жуда юкори даража, 4- юкори, 3-ўртача, 2- паст, 1- жуда паст (2017 йилнинг май-июнь ойларида танланмага 1100 киши кирган).

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

«Сизнингча, Тошкент вилояти туризмни ривожлантиришда нима билан ўзига эътиборни тортади?» деган саволга эса 824 киши – табиий ландшафт, 353 киши – маданий-тарихий ва меъморий ёдгорликлари, 168 киши – ҳудуднинг экологик хавфсизлиги, 165 – иқлими, 134 – транспорт таъминоти, 65 киши – вилоятнинг географик жойлашуви, 34 киши – халқ хунармандчилиги буюмлари ва 25 киши – флора ва фаунанинг бойлиги деб жавоб беришган. Шу ўринда дам олишга боришда 430 респондент «нарх»ни ва 389 киши «жойлашиш шароитлари»ни энг кўп ноқулайлик туғдирадиган муаммолар деб таъкидлашган.



4-расм. Тошкент вилояти иқтисодиётига рекреацион-туристик фаолиятнинг таъсири¹

Тадқиқот натижасида яна шулар ҳам аниқландики, 1995-2018 йиллар давомида Тошкент вилоятида рекреацион-туристик фаолиятнинг ривожланиши аҳолининг киши бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ошиши билан бирга кечган (4-расм). Бироқ тадқиқ қилинаётган даврда Тошкент вилоятининг ЯҲМда хизматларнинг улуши 11,4%га пасайган. Фикримизча, бундай вазиятнинг сабаби аҳолида кўрсатилаётган хизматларнинг амалдаги ҳолати тўғрисида тасаввур йўқлигида. Масалан

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 1995-2018 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2018 йилда Тошкент вилояти рекреацион-туристик объектлари томонидан 284,9 минг кишига хизмат кўрсатилган, бироқ ёзги мавсумда фақат Чорвоқ сув омбори зонасининг ўзида 300 мингга яқин киши дам олади, яъни минтақавий бюджетнинг катта миқдордаги йўқотилишига йўл қўйилмоқда. Шунинг учун, туристик ташкилотлар ва объектлар томонидан ички рекреантлар ва туристларга кўрсатилаётган амалдаги хизматларни мунтазам, объектив равишда назорат ва мониторинг қилиш лозим.

«Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари» номли учинчи бобда хизмат кўрсатиш соҳасининг етакчи тармоқлари асосида минтақанинг барқарор ривожланиши истиқболларига таъсир қилувчи комплекс масалалар кўриб чиқилган.

Минтақадаги рекреацион фаолиятнинг ҳудудга таъсири фақат тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита ҳам бўлади, бу ҳолат кўпинча ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини молиялаштириш ҳисобига минтақанинг ички заҳираларини фаоллаштиради. Бу фаолиятда зарурий ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар билан таъминланишга бўлган эҳтиёж эса ошиб боради¹.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида маҳаллий ва хорижий рекреантларга хизмат кўрсатувчи 120 ташкилот мавжуд². Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қулай бўлган ҳудудларда рекреацион оқимларнинг мутаносиблигини таъминлаш, салоҳиятни ва экотизимни сақлаб қолиш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида мураккаб ва устувор масалалар қаторидан жой олган.

Бу ўринда, Тошкент вилоятининг табиий жозибадорлиги юқори ҳудудларидан бири бўлган Чорвоқ зонасининг рекреацион имкониятлари таҳлил қилинди. Рекреантлар ўртасида Чорвоқ сув омбори алоҳида эътиборни тортади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги «Чорвоқ туристик зонасини ташкил қилиш тўғрисида»ги УП-5273-сон Фармони билан Тошкент вилоятининг Чимган-Чорвоқ курорт-рекреацион зонаси доирасида «Чорвоқ» эркин туристик зонаси яратилди, чунки у туристлар ва рекреантлар ўртасида юқори жозибадорликка эга, ва бу рекреантлар орасида ўтказилган сўров натижалари асосида тасдиқланган. Мазкур соҳани янада оптималлаштириш минтақанинг барқарор ривожланиши гаровига айланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган башоратларга кўра, фақат «Чорвоқ» эркин туристик зонаси фаолиятдан 2021 йилда 10 млн. АҚШ доллари миқдорида самара олиниши кутилмоқда.³

Тадқиқот жараёнида Чимган-Чорвоқ курорт-рекреацион зонадаги рекреацион-туристик объектлар фаолиятининг SWOT-таҳлили ҳам амалга оширилди (5-расм).

¹Рахмалева О.В. Культурный туризм как фактор социально-экономического развития региона: Автореф. дис. на соис. к.э.н. -СПб.:Издательство СПбГУЭФ, 2000. - 16 с.

